

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.30.12.2019.V.72.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

ОҚОВА СУВЛАРНИ БИОРЕМИДАЦИОН ЙЎЛ БИЛАН ТОЗАЛАШ

03.00.12-Биотехнология

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological
sciences**

Азимов Шавкат Шухратович

Оқова сувларни биоремедиацион йўл билан тозалаш 5

Азимов Шавкат Шухратович

Очистка сточных вод методом биоремедиации 21

Azimov Shavkat Shuxratovich

Wastewater treatment by bioremediation 37

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works... 41

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.30.12.2019.B.72.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

ОҚОВА СУВЛАРНИ БИОРЕМИДАЦИОН ЙЎЛ БИЛАН ТОЗАЛАШ

03.00.12-Биотехнология

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, иқтисодиётнинг турли хил ишлаб чиқариш жабҳаларида ҳосил бўладиган зарарли кимёвий моддаларни ўзида сақловчи оқова сувларнинг жуда катта ҳажмда ҳосил бўлиши жиддий экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Оқова сувларни биологик усулда тозалаш техноген экотизим барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этибши билан ажралиб туради. Жумладан, юксак сув ўтлари асосида зарарли кимёвий моддалар билан зарарланган оқова сувларни тозалаш экология ва атроф-муҳитни химоя қилиш нуқтаи назаридан ўта муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш жараёнида терини қайта ишлаш корхоналари, қоғоз ишлаб чиқариш фабрикалари, кўмир шахталари ва иссиқлик электростанцияларидан чиқадиган оқова сувлар Сг сақлаганлиги билан сув экотизимлари учун ўта хавфли ҳисобланади.

Жаҳонда, терини қайта ишлаш корхоналаридаги оқова сувлар таркибидаги кимёвий, зарарли моддаларнинг тўлиқ тозаланмаслиги оқибатида атроф муҳитга кескин экологик муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада оқова сувлар таркибидаги хром токсик хусусиятни аниқлаш, енгил саноатда галваникада, терини қайта ишлашда, металлларни тайёрлаш ва силлиқлашда хром асосий воситалардан бири сифатида қўллаш, терини қайта ишлаш корхоналаридан чиқаётган ва физик-кимёвий усуллар билан тозаланаётган оқова сувларни биологик тозалаш усулини такомиллаштириш, терини қайта ишлаш корхоналарида катта миқдорда сульфитлар, аммоний азот ва оқсилли бирикмалар ҳосил бўлиши экотизимнинг кескин ўзгаришига олиб келаётганлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда, айниқса, мустақилликка эришилганидан кейин экологик ҳолатни барқарорлаштириш, табиий ресурслардан ва мавжуд сув захираларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежашнинг инновацион технологияларини амалиётга кенг жорий этиш орқали сув ресурсларини турли хилдаги ифлосланишлардан муҳофаза қилиш, инсонларнинг турли хил зарарли моддалар билан зарарланишининг олдини олиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш...» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республикамизда ишлаб чиқариш корхоналарида оқова сувларни тозалашда кенг қўлланиладиган физик-кимёвий усуллар билан биргаликда биологик усулларни ҳам уйғунлаштирилган ҳолда қўллаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16-сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш корхоналари техник оқова сувлари таркибини юксак сув ўтлари асосида тозалаш биотехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга О.Б.Сопрунова (2005), О.Ф.Филенко, О.И.Шадрина (2004), Й.В.Гошу (2007), А.Е.Заикин (2007), А.Р.Гальперина (2012), М.Л.Русских (2012), Л.В.Коробка (2000), Bennicelli et al. (2004), Upadhyay et al. (2007), Rai (2008), Mashkani and Ghazvini (2009) ларнинг ишлари бағишланган.

Ўзбекистон олимлари А.М.Музаффаров (1980), Т.Т.Таубаев (1980), М.Абдиев (1975), Дж.К.Қутлиев (2008), Р.Ш.Шаёқубов (2005), С.Б.Бўриев (1995), Х.Бердиқулов (1998), С.Хўжжиев (2005), Д.А.Мирзаева (2021) ларнинг тадқиқот ишлари билан юксак сув ўтлари асосида оқова сувлар таркибини турли хил тузлар, пестицидлар, оғир металллар ва радиацион металллардан тозалаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган ва улар соҳа ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар. Аммо, тери ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган юқори даражада хром (Cr) сақловчи техник оқова сувларни юксак сув ўтлари асосида биологик усулда тозалаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу боисдан, терини қайта ишлаш корхоналаридан чиқаётган ва физик-кимёвий усуллар билан тозаланаётган оқова сувларни биологик тозалаш усули билан уйғунлаштириш муҳим илмий, амалий ва экологик аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институтининг ҳамкорликдаги «Оқова сувларни биологик

усулда тозалашнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади терини қайта ишлаш корхоналаридан чиқаётган техник оқова сувлар таркибидаги хром (Cr) миқдорини биоремедиация усулида тозалаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юксак сув ўтларининг хромли оқова сувларни тозалашдаги имкониятларини баҳолаш;

хром (Cr) нинг юқори даражасига бардошли бўлган *Azolla caroliniana* культурасини олиш;

азолланинг хромга мослашган культуралари асосида юқори хром сақловчи оқова сувларни тозалаш жараёнларини таҳлил қилиш;

азолланинг қуруқ массасида хромнинг сорбцияланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

хромли оқова сувларни биоремедиация усулида тозалашнинг намунавий технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юксак сувўтлари (*A.caroliniana*, *L. minor*, *P.stratiotes*, *E.crassipes*), терини қайта ишлаш корхоналарининг хром (Cr) сақлаган оқова сувлари ва оқова сувларни тозалашнинг намунавий технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предметини юксак сув ўтлари экологияси, макрофитларнинг ўсиб ривожланиш биологияси, оқова сувларнинг физик-кимёвий таркиби, макрофитларнинг биомасса ҳосил қилиш индекси, макрофитларнинг кимёвий таркиби, макрофитларнинг оқова сувларда ривожланишининг экологик-биологик тавсифи ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий, биотехнологик, алгологик, Доспехов, А.Стеве ва Cohen Daviel, Блумберг, Scoups, Pearson ва экологик токсикологик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хромли (Cr⁶⁺) оқова сувда *A.caroliniana*, *L.minor*, *P.stratiotes*, *E. crassipes*) ўсиб ривожланиши ва яшовчанлик кўрсаткичлари илмий асосланган;

терини қайта ишлаш корхоналаридан чиқадиган оқова сувларнинг дастлабки ва физик-кимёвий ишлов берилгандан кейинги кимёвий таркиби аниқланган;

хромнинг юқори даражасига (артизан суви ва корхонанинг ишлаб чиқаришдан чиққан қолдиқ суви асосида хромнинг 30% гача миқдорига чидамли бўлган *A.caroliniana* нинг мослашган культураси олинган ва унинг яшовчанлик кўрсаткичлари: ((мг/л) 0,5→0,87%, 1,0→0,68%, 1,5→0,59%, 2,0→0,50%, 2,5→0,46%, 3,0→0,39%) аниқланган;

илк бор *Azolla caroliniana* нинг турли хил концентрацияли хром сақлаган оқова сувлар таркибидан хромни (4,87 мг/л хромни 2,34 мг/л гача) камайтириши ва қуруқ массасига нисбатан ўртача 0,56-1,09 мг/г миқдорда хромни сорбциялаши қобилияти исботланган;

азолланинг ривожланиши давомида натрийни ўстиришнинг 7-кунда 27,92 мг/г, 10-кунда 36,72 мг/г, хлорни ўстиришнинг 7-кунда 1,67 мг/г, 10-кунда 47,69 мг/г миқдорида тўплаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хромли оқова сувларни биоремедиация усулида тозалашнинг намунавий технологияси ишлаб чиқилган;

хромли оқова сувларни биоремедиация жараёнида хром билан бир қаторда натрий ва хлорид тузларининг миқдорини камайтириш имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар (Biostat 2007) асосида статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юксак сувўтилари хромга толерантлиги бўйича танлаш асосида олинган фундаментал билимларга асосланиб, сунъий шароитда турли хил концентрацияларда хром билан зарарлантирилган артизан суви ва корхонанинг ишлаб чиқаришдан чиққан қолдиқ суви асосида хромнинг 30% гача миқдорига чидамли бўлган *A.caroliniana* нинг мослашган култураси олинганлиги, хромли (30%) оқова сувга мослашган *A.caroliniana* нинг 5 кунлик културасининг фотосинтез жараёни 50-80% гача тикланишга эришилганлиги, азоллани етиштириш давомида (7-кун) дастлабки экув материалининг (600 кг ҳўл биомасса) нисбатан 3 баробарга оширилганлиги (1800 кг) ва културанинг муртакланиш кўрсаткичи 78,4-82,6% га етишига эришилганлиги ҳамда хром, натрий ва хлорни биосорбциялаш кўрсаткичлари ўрнатилганли, терини қайта ишлаш корхонаси оқова сувларини тозалашнинг экологик ва биологик самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биоремедиация тозалаш технологияси асосида оқова сув таркибидаги хром (Cr) миқдори, шунингдек, натрий ва хлорнинг РЭМ (рухсат этидган миқдори) даражасигача камайтирилганлиги асосида корхонадан чиқадиган ва “Шўрўзьяк” зовурига ташланадиган оқова сувнинг кимёвий таркибини мўътадиллаштирилганлиги, оқова сувларнинг кимёвий ва биокимёвий тозалаш жараёнларидан кейин махсус тиндиргич-сув ҳавзаларида биоремедиация усулида экологик мувозонат бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юксак сувўтлари асосида терини қайта ишлаш корхоналари оқова суви таркибидаги хром

миқдорини камайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оқова сувлар таркибидаги хром қолдиқ миқдорини *A.caroliniana* макрофити асосида биоремедиацион йўл билан тозалаш “PENG-SHENG CHARM” МЧЖ қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган («O'zcharmsanoat» уюшмасининг 2021 йил 9 июндаги АС-9/1621-сон маълумотномаси). Натижада, Сирдарё вилоятидаги «Шўрўзьяк» зовурига ташланадиган оқова сувнинг кимёвий таркиби зарарсизлантирилган, бу эса экологик вазиятни барқорорлаштириш имконини берган;

сунъий шароитда турли хил концентрацияларда хром (6⁺) билан зарарлантирилган артизан суви ва корхона қолдиқ суви асосида хромнинг 30% гача миқдорига чидамли бўлган *A.caroliniana*нинг хромга мослашган культураси «PENG-SHENG CHARM» МЧЖ қўшма корхонасида амалиётга қўлланилган («O'zcharmsanoat» уюшмасининг 2021 йил 9 июндаги АС-9/1621-сон маълумотномаси). Натижада, хромга мослашган *A.caroliniana* культураси оқова сув таркибидаги хром (6⁺) миқдорини 54000 дан 2200 мг/л гача, татқиқотнинг 14-кунига келиб 54000 дан 20 мг/л миқдоригача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробациялари. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 5 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти таърифланган, тадқиқот Республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, босиб чиқарилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувларини биологик тозалашда макрофитларнинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида юксак сувўтларидан фойдаланган ҳолда турли хил кимёвий зарарли

моддалардан терини қайта ишлаш корхоналари оқова сувларини тозалашда фойдаланишнинг устувор муаммоларининг ҳозирги ҳолати, уларни ишлаб чиқариш шароитида қўллашнинг зарурлигини белгиловчи асосий омиллар ҳақида умумий маълумотлар берилган. Адабиётлар шарҳи асосида маълумотларни таҳлил қилиш тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг «**Юксак сув ўтлари асосида оқова сувларни тозалаш жараёнларини тадқиқи этиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида, юксак сув ўтларининг классификацияси, уларни ўстиришнинг анъанавий усуллари, озуқа муҳитлари, оқова сув таркибидаги кимёвий моддаларни аниқлаш, массспектрометрик усуллар ёрдамида оқова сувлар ва юксак сувўтлари биомассасини таҳлил қилиш, макрофит таркибига хромнинг адсорбцияланиши, тадқиқот усуллари ва тажрибаларни шакллантириш схемалари акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Оқова сувларни биоремедиацион йўл билан тозалаш жараёнлари**» деб номланган учинчи бобида замонавий илмий техник билимларга асосланган ҳолда юксак сувўтлари ёрдамида терини қайта ишлаш корхоналари оқова сувларини хром ва бошқа хил кимёвий моддалардан тозалаш жараёнларини ўрганишга бағишланган. Жумладан, юксак сув ўтларининг тадқиқотнинг асосий объекти ҳисобланган хромга бўлган сезгирлиги тадқиқ этилган (1-расм).




1-расм. Макрофитларнинг хромга (6⁺) чидамлилиги таҳлили (1,0 мг/л)

Олинган натижаларга кўра юксак сувўтларининг хромга бўлган толерантлигининг турлича эканлиги қайд этилди. Тадқиқот ишида турли хил турга мансуб юксак сувўтларининг хромга бўлган толерантлиги ўрганилганда, азолланинг тажрибадаги бошқа юксак сувўтларига нисбатан бир қадар чидамли эканлиги кузатилди. Жумладан, кунлар давомида *Lemna minor L.* ни 3,0 мг/л миқдорида хром сақлаган озуқа муҳитида ўстирилганда яшовчанлик кўрсаткичлари биринчи кунга нисбатан иккинчи кунда 26,79% га камайган бўлса, иккинчи кунга нисбатан учинчи кунда 52,6% камайганлиги, кузатишнинг бешинчи кунида эса дастлабки ҳолатга нисбатан некрозга учраши ёки буткул яшовчанликни йўқотиш ҳолати 96,79% ни ташкил этганлиги қайд этилди. Кузатишнинг бешинчи кунида умумий

яшовчанлик 3,21% ни сақлаб қолганлиги ёки кузатишнинг еттинчи кунда тўлиқ яшовчанлик йўқотилганлиги аниқланди.

Шунингдек, юксак сувўтларининг хромга нисбатан толерантлигининг регрессив хусусиятлари, жумладан, статистик натижалар асосида лагорифмик кўрсаткичларда таҳлил қилинди (2-расм). Олинган натижаларга кўра, қонуниятларда қайд этилгани каби хром сақлаган сувга нисбатан артизан сувида юксак сувўтларининг яшовчанлик кўрсаткичлари бир бирига тескари регрессияда шаклланганлиги қайд этилди. Кузатишнинг 3-кунда тескари регрессияда яшовчанлик 57,89% га камайганлиги, тўғри регрессияда эса худди шу кун яшовчанлик кўрсаткичи 3,76% га камайганлиги қайд этилди. Демак, тўғри регрессия асосида ўстиришнинг учинчи кунга бориб, йўқотилган 6,53% яшовчанлик кўрсаткичининг 2,77% га қайта тикланганлиги, мазкур юксак сув ўтининг стресс шароитга бир қадар мослашишга эришганлигини кўрсатади.



2- расм. Макрофитларнинг хромга нисбатан толерантлигининг лагорифмик кўрсаткичлари (А- хром сақлаган сувдаги тескари регрессия, Б- Назорат (корхона артизан суви)даги тўғри регрессияси)

Бунинг исботи сифатида кузатишнинг еттинчи кунини қайд этиш мумкин. Жумладан, тескари регрессия ҳолатида кузатишнинг еттинчи кунда яшовчанликнинг йўқотилиши, яъни кучли, қайта тикланмайдиган некроз ҳолати ёки юксак ўсимлик ҳужайраларининг тўлиқ нобул бўлиш ҳолати, дастлабки культуранинг яшовчанлигига нисбатан 93,68% ни ташкил этган бўлса, тўғри регрессия ҳолатида йўқотилган яшовчанлик кўрсаткичи (6,53%) 4,96% га тикланиб, яшовчанлик кўрсаткичи 98,43% ни ташкил этганлиги қайд этилди. Юксак сувўтларининг регрессив ривожланишидаги мазкур ҳолатлар стресс омилларга мослашувчанлик сифатида қараш имконини беради. Жумладан, терини ошлаш ва қайта ишлаш корхонаси кундалик эҳтиёжлари учун фойдаланиб келинаётган артизан сувлари таркиби, янги

экилган юксак сувўтлари намуналари учун қисқа муддатли стресс ҳолатни вужудга келтириб, уларнинг мазкур муҳитга мослашишларини вужудга келтиради. Шу боисдан, кейинги тадқиқотлар учун хромнинг 3мг/л миқдоридаги стресс шароитга толерантлик намоён қилган *Azolla caroliniana* нинг мослашган тури танлаб олинди. Тадқиқотлар давомида *Azolla caroliniana* нинг 3мг/л хром (+⁶) сақлаган сувда етти кун давомида ўстирилганда 6,32% яшовчанлик намоён қилган, вегетатив танасининг қисман, тахминан 52,8% қисми некрозлашган 1100 г биомассасидан фойдаланилди. Мазкур биомасса, органик маҳсулотлар, минерал тузлар ва артизан суви аралашмасидаги сунъий озуқа муҳитида қайта ривожлантирилиб, умумий яшовчанлик ҳолати 100% даражага келгунга қадар қайта ривожлантирилиб, хромга мослашган культура олинди. Тадқиқотларда азолла културасининг хромга бўлган толерантлигини ошириш маҳсулдорлиги сифатида биомасса ҳосил қилиш маҳсулдорлиги асос қилиб олинди. Олинган натижаларни қайта тасдиқлаш мақсадида 3,0 мг/л миқдоридаги таъсири остида олинган ва қайта жонлантирилган *A. caroliniana* култураси сувли озуқа муҳитида (Тамия), айнан хромнинг (+⁶) олти валентли эритмасига толерантлиги асосида қайта тажрибалар ўтказилди (3.2.1-жадвал).

Олинган натижаларга кўра, азоллани хром (+⁶) таъсирида етиштириш давомида мазкур культураларнинг бир қадар мослашган вариантларини олишга эришилди. Азолланинг 0,5 мг/л миқдоридаги таъсирига бир қадар чидамли бўлиб, ўстиришнинг учинчи кунда ўртача ривожланиш кўрсаткичи 1:0,69 нисбатни ташкил этган бўлса, ўстиришнинг 10-кунга бориб, ривожланиш кўрсаткичи 1:0,98 нисбатгача етганлиги қайд этилди. Шунингдек, тажриба вариантлари кесимида олинган ўртача биомасса қиймати 1150,92 г/м² ни ташкил этганлиги қайд этилди. Вариантлар кесимида ўртача 10 кунлик ривожланиш кўрсаткичи 0,87 коэффциентини ташкил этиши аниқланди. Шунингдек, хромнинг 3,0 мг/л миқдоридаги таъсири остида етиштирилган азолла културасининг ривожланиш коэффциенти ўртача 1:0,39 нисбатни ташкил этиб, умумий биомасса ҳосил қилиш кўрсаткичи 1,79 г/м² ни ташкил этганлиги қайд этилди (3-расм).



А



Б

3-расм.
Azolla caroliniana нинг 3,0 мг/л хром (+⁶) сақлаган сувда (А) ривожланиш коэффциенти ва биомасса ҳосил қилишининг умумий кўриниши (назорат Б)


Шунингдек, хромли сувнинг дастлабки ҳолатига нисбатан тажриба сўнгидаги ҳолати 5 балли тизимда ҳисоблаганда ўртача 4,8 баллга тенг

рангсизлантирганлиги ҳамда кузатишнинг учинчи кунидан бошлаб типик ҳиднинг тўлиқ йўқолиши қайд этилди. Азолла ҳужайраларининг хром таъсирида некрозга учраши ва некроздан чиқиш ҳолати жуда кам яъни 5-8% атрофида бўлиши кузатилди (4-расм).



4-расм. Азолла ҳужайраларининг хром таъсирида некрозга учраши
(А: 1,0 мг/л; Б: 2,0 мг/л; С: 3,0 мг/л)

Терини ошлаш ва қайта ишлаш корхонасидан чиқадиган асосий хом ашё Кейинги тадқиқотларда олти валентли хромли сувда азолланинг яшовчанлик кўрсаткичлари тадқиқ этилди (5-расм). Олинган натижаларга кўра, *A.caroliniana* нинг хром концентрацияси ошиб борган сари ривожланиш коэффиценти камайиб бориши ((мг/л): 0,5→0,87%, 1,0→0,68%, 1,5→0,59%, 2,0→0,50%, 2,5→0,46%, 3,0→0,39%) ва шунга корреляцион ҳолда яшовчанлик кўрсаткичи мос равишда камайиб бориши қайд этилди.



5-расм. Азолланинг турли хил концентрацияли хромда яшовчанлиги, %


Тадқиқотнинг қизиқарли томони, яшовчанлик кўрсаткичи 0,52% ни ташкил этган ҳолда биомассанинг жуда кам бўлиши қайд этилди. Бунга сабаб ўстирилган озука муҳитида водопровод сувидан фойдаланилиб, унга аниқ миқдордаги хром қўшилганлигидадир. Хромнинг юқори концентрациясига азолланинг бардошлилиги ва унинг хромни сорбциялаш хусусиятига озука муҳитидаги макро-, микроэлементлар ва минерал тузларнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Демак, азолланинг стресс шароитли муҳитларга мослашиши ва биоаккумуляцион хусусиятини тўлақонли намоён этиши учун

бир қанча факторлар таъсир кўрсатади. Жумладан, макроэлементлар (фосфор, азот, калий, калция, магний) ҳамда микроэлементлар (молибден, кобальт, марганец ва бошқалар) муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан кейинги тадқиқотларда хромнинг 3 мг/л миқдорига чидамлилиқ намоён қилган, нисбатан мослашган азолла культурасининг яшовчанлиқ кўрсаткичини ошириш ҳамда максимал биомасса ҳосил қилиш жараёнини таъминлаш мақсадида зарарлантирилган озуқа муҳити таркиби ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижаларига кўра, Dwi P.Widiastuti (D) бўйича тайёрланган озуқа муҳитида азолланинг ўсиб, ривожланиши талаб даражасида эканлиги қайд этилди. Жумладан, ўстиришнинг ўнинчи кунда вариантлар кесимида олинган маълумотлар асосида биомасса ҳосил қилиш кўрсаткичи ўртача 1592,76 г/м² ни ташкил этганлиги аниқланди. Назорат озуқа муҳитига нисбатан қиёсланганда 626,25 г/м² миқдорида кам биомасса ҳосил қилиши қайд этилди. Бунда, хромли озуқа муҳитида ҳужайраларнинг ривожланиш кўрсаткичлари камроқ бўлиши қайд этилиб, азолланинг тана қисми назоратдагига нисбатан қисқа, илдиз узунлиги ва тармоқланиши камлиги, барг юзаларининг нисбатан кичиклиги билан ажралиб туриши аниқланди. Демак, биомассани хромли озуқада кам ҳосил қилишига мазкур кўрсаткичлар ҳам сабаб бўлган деган хулосага келинди.

Шунингдек, Watanabe ва унинг ҳамкасблари бўйича тайёрланган озуқа муҳитида азолланинг вариантлар кесимида ўртача биомасса ҳосил қилиши 1845,91 г/м² ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Аммо, назорат озуқа муҳитига таққосланганда, назоратдагига нисбатан 395,45 г/м² биомасса кам ҳосил қилиши аниқланди. Шунга қарамасдан D озуқа муҳитига нисбатан W озуқа муҳитида азолланинг биомасса ҳосил қилиши хромли шароитда 102,62 г/м², хромсиз назорат вариантлари ўзаро қиёсланганда 77,66 г/м² миқдорида кўпроқ биомасса ҳосил қилиши қайд этилди. Ҳар иккала озуқа муҳити таркибий жиҳатдан бир хилдаги макро ва микроэлементларни сақлашига қарамасдан, бир биридан кескин фарқ қиладиган биомасса олинганлигини мазкур макро ва микроэлементларнинг миқдорий жиҳатидан фарқланиши билан тушунтириш мумкин. Жумладан, D озуқа муҳитига нисбатан, W озуқа муҳитида биомасса ҳосил бўлиши 253,15 г/м² кўп эканлиги қайд этилди. Мазкур ҳолатни озуқа муҳитлари таркибидаги P, K, Ca, Mg, Mn, Fe, Mo, B, Cu Zn каби азолланинг ўсиб ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган макро ва микроэлементлар мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқотларда, “PENG-SHENG CHARM” МЧЖ ҚҚ дан Шўрўзак зовурига чиқадиган оқова сув таркиби таҳлил қилинганда, намуналардаги ўртача рН кўрсаткичи 6,0 дан 7,2 гача эканлиги қайд этилди. Аммо, корхонанинг 1-қувури оқова сувининг рН кўрсаткичи рН 6,5- 8,5 эканлиги қайд этилди. Бу эса азолла культурасининг тўлиғича ўзининг физиологик ва биокимёвий жараёнларини амалга оширишига мос келадиган рН муҳити ҳисобланади. Тадқиқотларда 3 мг/л миқдоридаги хром таъсирида биомасса миқдори ва азотфиксация фаоллиги кескин камайган, аммо яшовчанлигини сақлаб қолган азолла культурасидан объект сифатида фойдаланилди. Тадқиқотларни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш мақсадида барча тажриба вариантлари сунъий

равишда хром билан зарарлантирилиб, мазкур хромнинг тадқиқот объектида адсорбцияланиш даражаси тадқиқ этилди (6-расмда ва 1-жадвал). Олинган натижаларга кўра, тажриба вариантлари кесимида дастлабки ҳолати ўртача 4,87 мг/л хром сақлаган оқова сув таркибини ўстиришнинг 3-кунида 4,34 мг/л, 7-кунида ўртача 3,81 мг/л, 10-кунида 3,34 мг/л, 14-кунида эса 2,34 мг/л гача камайтириши аниқланди.



6-расм. Азолланинг оқова сув таркибидаги хромни ўзлаштириши

Ўстиришнинг 7-кунида озуқа муҳитида ўртача хром сақлаши 1,57 мг/л бўлганда 1-5 вариантларда азолланинг ўртача хром ўзлаштириш кўрсаткичи мос равишда 0,56 мг/г; 0,45 мг/г; 0,85 мг/г; 0,75 мг/г ни ташкил этиб вариантлар кесимида ўртача 0,7 мг/г бўлганлиги қайд этилди.

1-жадвал


Azolla caroliniana культурасининг озуқа муҳити (W) таркибидаги хромни ўзлаштириш кўрсаткичи

Тажриба вариантлари	Хром, мг/л	Хромнинг кунлар кесимида ўзлаштирилиши, мг/л				
		3	7	10	14	21
1	2,18±0,12	1,82±0,14	1,61±0,22	1,33±0,17	0,74±0,22	0,73±0,27
2	2,43±0,23	2,11±0,32	1,78±0,33	1,36±0,27	0,71±0,19	0,84±0,32
3	2,23±0,31	1,98±0,17	1,38±0,18	0,98±0,09	0,68±0,42	0,70±0,12
4	2,17±0,11	1,87±0,43	1,42±0,11	0,84±0,19	0,62±0,27	0,62±0,33
5	2,32±0,19	1,92±0,21	1,64±0,44	1,04±0,38	0,84±0,22	0,84±0,29
Ўртача	2,27±0,27	1,94±0,11	1,57±0,09	1,11±0,32	0,72±0,17	0,75±0,44

Тадқиқотлар давомида ўстиришнинг 10-кунида озуқа муҳитида хром сақлаши 1,11 мг/л бўлганда азолланинг 1-5-вариантларида мос равишда хром ўзлаштириши 0,85 мг/г; 1,07 мг/г; 1,25 мг/г; 1,33 мг/г; 1,28 мг кўрсаткичига ошганлиги қайд этилди. Мазкур олинган натижаларни ўстиришнинг учинчи кунига нисбатан қиёсланганда, 0,33 мг/г дан 1,15 мг/г гача ошганлигини, ўстиришнинг еттинчи кунига нисбатан эса 0,45 мг/г кўпроқ хром ўзлаштирганлиги аниқланди. Ўстиришнинг 21-кунида озуқа муҳитида хром сақлаши 0,71 мг/л бўлганда азолланинг 1-5-вариантларида мос равишда хром ўзлаштириши 1,45 мг/г; 1,59 мг/г; 1,19 мг/г; 1,53 мг/г; 1,55 мг/г хромни

Ўзлаштириши қайд этилиб, ўртача хром ўзлаштириш кўрсаткичи 1,52 мг/г ни ташкил этганлиги аниқланди. Тадқиқотлар давомида ишлаб чиқариш шароитида терини қайта ишлаш корхонаси оқова сувининг кимёвий ишлов берилгандан кейинги кимёвий таркиби кузатилганда оқова сув таркибида юқори миқдорда Са, Mg, К қайд этилиб, шунингдек, Mn, Fe нисбатан кам эканлиги кузатилди (2-жадвал). Мазкур кимёвий моддалар азолла культурасини ўстиришда энг муҳим аҳамият касб этадиган, культуранинг ноқулай шароитига мослашувчанлигини таъминлаб берадиган элементлар ҳисобланади.

Корхонадан кимёвий ва биологик ишлов берилгандан кейинги чиқаётган оқова сувнинг кимёвий таркиби ўрганилганда (3-жадвал), магний 35% га, калий 5% га, калций 7,2% га камайганлиги кузатилган бўлса, мақсаддаги хром миқдори 5,4 мг/л миқдоридан 2,2 мг/л миқдоригача камайганлиги қайд этилди. Азолла ёрдамида 7 кун давомида биологик қайта ишланган оқова сув таркибида кальций 22,4% га, фосфор 23,7% га, магний 20% га, натрий 98,64% га камайганлиги қайд этилди. Шунингдек, хром миқдори 2,2 мг/л миқдоридан 0,23 мг/л миқдоригача ўзлаштирилганлиги аниқланди (4-жадвал). Корхонадан чиқаётган кимёвий-биологик тозалашдан кейинги оқова сувда кузатишнинг 10-кунда хром миқдори 0,011 мг/л ни ташкил этганлиги қайд этилди (7-расм).





1-Дастлабки оқова сув; 2- Кимёвий ва биологик ишлов берилгандан кейинги оқова сув; 3- Азолла билан 7 кун ишлов берилгандан кейинги оқова сув; 4- Азолла билан 10 кун ишлов берилгандан кейинги оқова сув.

7-расм. Хромли оқова сувни биологик тозалаш кўрсаткичлари

Тадқиқотлар давомида хром сақлаган оқова сувда 7 ва 10 кун давомида ўстирилган азолла культурасининг биомассасида хромнинг ва минерал тузларнинг тўпланиши ва биомассада бир хилда тарқалиши тадқиқ этилди. Биомасса спектрларини таҳлил қилинганда натрийнинг сигма оғирлиги 0,28% дан 0,70% гача ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, спектрлараро катта миқдордаги фарқлар кузатилган бўлса, спектрлардаги оғирлиги эса 23,2% дан бошлаб 36,72% гача ўзгарувчан тўпланиш динамикасини намоён этди (8-расм).



Элемент	Оғирлик, %	Сигма оғирлик, %
O	42.73	0.65
Na	29.83	0.54
Mg	1.31	0.15
S	22.01	0.40
Zn	4.12	0.93
Сумма:	100.00	





8- расм. Азолла биомассасидаги элементлар миқдори ва жойлашуви

Шунингдек, магний миқдори спектрлараро жойлашувига кўра сигма оғирлиги 0,17% дан 0,33% гача бўлган ораликда жойлашиб, оғирлиги 1,36% дан 6,55% гача бўлиши қайд этилди. Хлорли бирикмалар терини ошлаш жараёнида жуда кўп миқдорда қўлланилади. Тадқиқотларда ҳам айнан хлор миқдори азолла культураси биомассасининг турли спектрларида юқори даражада бўлиши кузатилди. Жумладан, хлорнинг сигма оғирлиги 0,28% дан 0,72% гача оралиғида бўлган бўлса, оғирлиги 1,67% дан 47,69% гача ўзгарувчан жойлашув динамикасини намоён этганлиги кузатилди (9-расм).

Элемент	Оғирлик, %	Сигма оғирлик, %
O	9.36	0.83
Na	36.72	0.64
Mg	0.85	0.23
S	5.38	0.30
Cl	47.69	0.72
Сумма:	100.00	




Элемент	Вес.%	Сигма оғирлик, %
O	39.41	0.43
Na	23.20	0.28
Mg	6.55	0.17
Si	0.50	0.08
S	12.41	0.21
Cl	14.53	0.23
Ca	2.85	0.14
Cr	0.56	0.16
Сумма:	100.00	





9-расм. Азолла биомассасида минерал тузлар адсорбцияси

Мазкур спектрда натрий миқдори спектрлараро жойлашувига кўра сигма оғирлиги 0,28% дан 0,64% гача бўлган ораликда жойлашиб, оғирлиги 23,2% дан 36,7% гача бўлиши қайд этилди. Магний миқдори спектрлараро жойлашувига кўра сигма оғирлиги 0,17% дан 0,33% гача бўлган ораликда жойлашиб, оғирлиги 1,36% дан 6,55% гача бўлиши қайд этилди. Хромнинг сигма оғирлиги 0,16 дан 0,30% гача ўзгарувчанлиги, оғирлик фоизи эса 0,56% дан 1,09% гача ўзгарувчан ва нотекис тартибда эканлиги қайд этилди (10-расм).

Элемент	Оғирлик, %	Сигма оғирлик, %
O	38.36	0.83
Na	23.13	0.54
Mg	6.27	0.33
Si	0.69	0.15
S	10.13	0.37
Cl	17.45	0.48
Ca	2.87	0.27
Cr	1.09	0.30
Сумма:	100.00	



Элемент	Оғирлик, %	Сигма оғирлик, %
O	39.41	0.43
Na	23.20	0.28
Mg	6.55	0.17
Si	0.50	0.08
S	12.41	0.21
Cl	14.53	0.23
Ca	2.85	0.14
Cr	0.56	0.16
Сумма:	100.00	



10- расм. Ишлаб чиқариш тажрибаларда азолла биомассасидаги хром адсорбцияси

Олинган натижаларни таҳлил қилганда, хром ва минерал тузларни адсорбциялаган азолла культурасининг қуритилган биомассасида тўпланиши турлича бўлиши кузатилди. Бу эса биринчидан минерал тузлар ва хром миқдорининг юқорилиги, иккинчидан тўпланган кимёвий элементларнинг биомассада бир хил текисликда тарқалмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги майдонларида қўллаш мумкин эмаслигини кўрсатади. Шу боисдан биоремедиация жараёнида ҳосил бўлган азолла биомассасини 2-тиндириш ҳавзасидан чиқадиган шлам билан биргаликда махсус полигонда кўмиш орқали йўқотиш мақсадга мувофиқдир.

2- жадвал

ТҚИК оқова сувининг дастлабки кимёвий таркиби (ppm, mkg/g, g/t)

Li	Be	B	Na	Mg	Al	P	K	Ca	Sc	Ti	V	Cr	Mn	Fe	Co
33	0,44	310	1300	100000	2700	4600	61000	240000	15	120	34	54000	410	920	5,1
Ni	Cu	Zn	Ga	As	Se	Br	Rb	Sr	Y	Zr	Nb	Mo	Ag	Cd	In
38	44	1400	3,2	16	11	690	73	3500	2,9	15	0,38	6,7	0,01	2,7	0,068
Sn	Sb	Te	I	Cs	Ba	La	Ce	Pr	Nd	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho
7,3	2	<0,10	45	1	320	2,3	4,9	0,85	2,5	0,67	0,35	0,76	0,097	0,78	0,095
Er	Tm	Yb	Lu	Hf	Ta	W	Re	Pt	Au	Hg	Tl	Pb	Bi	Th	U
0,35	0,055	0,31	0,08	0,41	0,35	0,28	0,099	<0,10	0,45	<0,10	0,23	100	0,094	1,1	9,4

3-жадвал

ТҚИК оқова сувининг кимёвий ва биологик ишлов берилгандан кейинги кимёвий таркиби (ppm, mkg/g, g/t)

Li	Be	B	Na	Mg	Al	P	K	Ca	Sc	Ti	V	Cr	Mn	Fe	Co
22,0	0,190	160	220000	35000	900	1100	58000	130000	9,10	74,0	30,0	2200	90,0	390	6,40
Ni	Cu	Zn	Ga	As	Se	Br	Rb	Sr	Y	Zr	Nb	Mo	Ag	Cd	In
21,0	37,0	330	1,20	21,0	<0,10	200	24,0	760	1,90	10,0	0,120	31,0	0,016	<0,01	<0,01
Sn	Sb	Te	I	Cs	Ba	La	Ce	Pr	Nd	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho
0,690	0,800	<0,10	24,0	0,510	190	1,80	2,70	0,480	2,10	0,220	0,180	0,340	0,083	0,190	0,035
Er	Tm	Yb	Lu	Hf	Ta	W	Re	Pt	Au	Hg	Tl	Pb	Bi	Th	U
0,100	0,066	0,170	0,040	0,160	0,410	1,70	0,160	<0,10	1,20	<0,10	1,10	43,0	0,037	0,970	13,0

4- жадвал

ТҚИК оқова суви таркибини азолла ёрдамида тозалашдан кейинги кимёвий таркиби (ppm, mkg/g, g/t)

Li	Be	B	Na	Mg	Al	P	K	Ca	Sc	Ti	V	Cr	Mn	Fe	Co
46,0	0,099	10,0	3000	28000	390	810	13000	82000	10,0	53,0	37,0	230	71,0	280	3,50
Ni	Cu	Zn	Ga	As	Se	Br	Rb	Sr	Y	Zr	Nb	Mo	Ag	Cd	In
10,0	16,0	290	0,560	13,0	<0,10	640	12,0	520	0,330	9,10	0,290	8,00	0,023	1,30	<0,01
Sn	Sb	Te	I	Cs	Ba	La	Ce	Pr	Nd	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho
0,690	1,10	<0,10	76,0	0,680	70,0	0,540	1,30	0,110	0,510	<0,10	0,100	0,250	0,041	0,190	0,023

ХУЛОСАЛАР

Оқова сувларни биоремедиацион йўл билан тозалаш» мавзусидаги биология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хромнинг юқори даражасига (артизан суви ва корхонанинг ишлаб чиқаришдан чиққан қолдиқ суви асосида хромнинг 30% гача миқдорида чидамли бўлган *Azolla caroliniana* нинг мослашган культураси олинган ва унинг яшовчанлик кўрсаткичлари ((мг/л) 0,5→0,87%, 1,0→0,68%, 1,5→0,59%, 2,0→0,50%, 2,5→0,46%, 3,0→0,39%) аниқланган;

2. Хромли (30%) оқова сувга мослашган *Azolla caroliniana* нинг 5 кунлик культурасининг фотосинтез жараёни 50-80% гача тикланиши, дастлабки экув материални ўстиришнинг 7-кунида 3 баробарга ошиши, культуранинг муртакланиш кўрсаткичи 78,4-82,6% га етиши ва оқова сувлар таркибидан хромни 4,87 мг/л дан 2,34 мг/л гача камайтириши аниқланган;

3. Азолла қуруқ массасига нисбатан ўртача 0,56-1,09 мг/г миқдорида хромни сорбциялаши кўрсатиб берилган;

4. Азолланинг ривожланиши давомида натрийни ўстиришнинг 7-кунида 27,92 мг/г, 10-кунида 36,72 мг/г, хлорни мувофиқ равишда 1,67 мг/г дан 47,69 мг/г гача миқдорида тўплаши аниқланган;

5. Биоремедиацион тозалаш технологияси асосида оқова сув таркибидаги хром (Cr) миқдори, шунингдек, натрий ва хлорнинг РЭТ даражасигача камайтирилганлиги асосида корхонадан чиқадиган ва “Шўрўзьяк” зовурига ташланадиган оқова сувнинг кимёвий таркиби зарарсизлантирилган;

6. Терини қайта ишлаш корхонасидаги оқова сувларни кимёвий ва биологик тозалаш жараёнларидан кейин махсус тиндиргич-сув ҳавзаларида биоремедиация кўрсаткичлари ўрнатилиб, амалиётга татбиқ этилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЯ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
03.30.12.2019.В.72.02 ПРИ БАХАРСКИМ ГОСУДАРСТВЕННЫМ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АЗИМОВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

ОЧИСТКА СТОЧНЫХ ВОД С МЕТОДОМ БИОРЕМЕДИАЦИИ

03.00.12-Биотехнология

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/B705.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете и Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научные руководители: Хужамшукуров Нортожи Абдихаликович
доктор биологических наук, профессор
Турабджанов Садритдин Махаматдинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
доктор химических наук, профессор
Саттаров Абдумурод Саттарович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет ветеринарной
медицины, животноводства и биотехнологий

Защита диссертации состоится «12» август 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD. 03/30.12.2019.B.72.02. по присуждению ученой степени доктора философии при Бухарском государственном университете по адресу: 200117, г.Бухара, ул. М.Икбол 11, БухДУ. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета

Автореферат диссертации разослан «19» июль 2022 года.
(реестр протокола рассылки №5 от «19» июль 2022 года).


А.Э.Холлиев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор


Н.Э.Рашидов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н.,
доцент


Х.Т.Артикова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире образуются сточные воды в очень больших объемах, содержащие вредные химические вещества, образующихся в различных отраслях экономики, вызывают серьезные экологические проблемы. Биологическая очистка сточных вод играет важную роль в обеспечении устойчивости техногенных экосистем. В частности, очистка сточных вод, загрязненных вредными химическими веществами на основе высоких водорослей, имеет большое значение с точки зрения экологии и охраны окружающей среды. В сточных водах накапливается Cr во время производственного процесса, кожеперерабатывающих заводов, бумажных фабрик, угольных шахт и тепловых электростанций, он чрезвычайно опасен для водных экосистем.

В мире ведутся научные исследования острых экологических проблем, вызванных неполной очисткой сточных вод кожевенных предприятий от химических и вредных веществ. В связи с этим необходимо определить токсические свойства хрома в сточных водах, использовать хром как одно из основных средств при гальванике в легкой промышленности, кожевенной обработке, подготовке и полировке металлов, совершенствовать метод биологической очистки сточных вод кожевенных предприятий и вод очищенных физико-химическими методами. Особое внимание уделяется тому, что образование большого количества сульфитов, аммонийно-азотных и белковых соединений на перерабатывающих предприятиях приводит к резкому изменению экосистемы.

В нашей Республике, в особенности после обретения независимости, удалось добиться определенных научных результатов по стабилизации экологической обстановки: Рациональное использование природных ресурсов и имеющихся запасов воды, широкое внедрение инновационных водосберегающих технологий и охрана водных ресурсов от различных видов загрязнения и предотвращения заражения человека различными вредными веществами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ¹ обозначены следующие задачи: «...обеспечить проживание людей в экологически безопасной среде, построить и модернизировать комплексы по переработке бытовых отходов, укрепить их материально-техническую базу, обеспечить население современными мусороуборочными сооружениями...» Исходя из этих задач, большое научное и практическое значение имеет комбинированное использование биологических и физико-химических методов очистки, которые широко применяются при очистке сточных вод на производственных предприятиях нашей Республики.

Решение Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева ОФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», ОФ-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года». ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Об Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947.

